SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 1-MAY ■ PAYSHANBA ■ 54 (27.074) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

МАҲСУЛОТ — ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!





## Ўзбек мебелининг хориждаги эътирофи

*Пойтахтимиздаги «Тошкентмебель» акциядорлик жамиятида маҳаллий хомашё — терак, ёнғоқ, тол ва қайрағочлардан мебеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*



Ҳозир пойтахтимиздаги қай бир мебель дўконига кирманг «Тошкентмебель» тамғаси туширилган маҳсулотларга кўзингиз тушади. Ушбу мебелларнинг замонавий дизайнини кўриб, тўғриси, ҳам фахрланасан, ҳам ҳайратланасан киши. Табиийки, ҳақли савол туғилади: **наҳотки, ушбу маҳсулотлар ўзимизнинг маҳаллий корхоналаримизда тайёрланмоқда?**

Ҳа, «Файз» холдинг компанияси тизимида хорижникидан асло қолишмайдиган мебеллар тайёрлай оладиган ана шундай жамоалар талайгина.

Агар, собиқ иттифоқ даврида мебелсозликда қўлланиладиган хомашёнинг 95 фоизи четдан ташиб келтирилган бўлса, эндиликда бу рақам 50-60 фоизни ташкил қилаётир.

— Мамлакатимизда нафақат мебелсозлик, балки қурилиш учун ҳам маҳаллий хомашё етарли, — дейди «Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамияти раиси Тўрабек Назаров. Масалан, терак, чинор, ёнғоқ, тол, қайрағоч каби дарахтлар бор. Айни дамларда маҳсулотларимизнинг кўпгина қисми худди ана шу хомашёдан ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонанинг йиллик ҳисоботларини кўздан кечирар эканмиз, қуйидаги маълумотлар эътиборимизни тортади: корхонада 2002 йилда 381 миллион сўмлик мебеллар тайёрланган. Жамоа худди ўша йили тендерда ғолиб чиқиб, замонавий усулда бунёд этилаётган лицей ва коллежларга ўқув мебелларини тайёрлаб беришдек ҳуқуқни ҳам қўлга киритган. Жорий йилда эса 510 миллион сўмлик ана шундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Корхона жамоаси 2000-2001 йиллар мобайнида 80 минг АҚШ доллари қийматидаги ўз маҳсулотларини экспорт қилишга ҳам улгурди. Дарвоқе, корхонада маҳаллий хомашёдан қўл меҳнати асосида тайёрланаётган мебелларга шу кунларда Словения ҳамда қўшни Қозоғистон Республикасидан талаб тушди.

**Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар





*Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар*

## Тошкент халқаро анжуманга шай





— Ватанимиз пойтахти — Тошкентда ўтказиладиган дунёнинг энг обрўли молия ташкилотларидан бири — Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Бошқарувчилар кенгаши йиллик мажлисига жуда оз вақт қолди, — деб бошлади ўз сўзини анжуманнинг доимий ишловчи Матбуот маркази раҳбари Шерзод Қудратхўжаев кеча бўлиб ўтган матбуот йиғилишида.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи алоқалар агентлиги раиси ўринбосари Шаҳло Абдуллаева ва ЕТТБ матбуот секцияси ходими Юлия Зильберман хоним халқаро анжуман тадбирларини ўтказиш дастури, тартиби ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти билан батафсил таништириб ўтишди.

Дарвоқе, ўз кўлами ва моҳияти билан бутун дунё эътиборини ўзига жалб этган ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг Тошкентда бўладиган йиллик мажлиси халқаро молиявий ва ишбилармон доираларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Негаки, 2000 нафардан зиёд меҳмонлар келиши кутилаётган мазкур анжуманга Марказий Осиё ва Кавказорти республикаларидан 5 Президент, Европа Иттифоқи ва Европа инвестициялар банки каби йирик халқаро ташкилотларнинг Президентлари, 6 давлатнинг Бош вазирлари, ўнлаб мамлакатлардан иқтисодиёт вазирлари (34 нафар) ва вазирлар ўринбосарлари (22 нафар), 600 дан зиёд бизнесмен, 125 та нодавлат ташкилотларнинг раҳбарлари, 300 га яқин сармоядор, бошқача айтганда, жаҳоннинг 59 давлатидан кўзга кўринган иқтисодчилар, мутахассислар, тадбиркорлар ташриф буюришади. Улар орасида ЕТТБ Президенти Ж. Лемьер, ЕТТБнинг биринчи вице-президенти Н. Дойл, ЕТТБ Бошқарувчилар кенгаши раиси К. Шорт, ЕТТБ Бош котиби вазифасини бажарувчи Н. Картер, ЕТТБ Бош маслаҳатчиси Э. Маурис, «Марубени» корпорациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Т.Сакума, «Ўзбекинвест» АИГ ва Европа Департаментининг сиёсий таваккалчиликлар бўйича менежери М.Холл, МФК вакили Р.Фриман, Марказий Осиёда Бизнесни ривожлантириш «Шелл» бошқарувининг Бош бошқарувчиси Э.Виинстр сингари дунё кўламида танилган йирик, таниқли банкирлар ва иқтисодчилар бор. Анжуман иштирокчилари эртага — 2 май куни «Интерконтиненталь — Тошкент» меҳмонхонасида рўйхатдан ўта бошлайдилар.

Тадбир ўз дастурига кўра 3 май куни айни ўша ерда Ўзбекистон Республикасининг Инвестицион Форумини ўтказиш билан бошланади. Унда мамлакатнинг инвестицион салоҳияти ҳамда Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш истиқболларига бағишланган катта тақдимот маросими бўлади.

**ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилиши 3 май куни Ўзбекистон Республикасининг Инвестицион форумини ўтказиш билан бошланади**

Форум иқтисодий ҳамкорликка ва энг аввало, хориж инвестицияларини жалб қилишга тааллуқли масалаларни очиқ муҳокама қилиш, уларни мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналишларига йўналтириш имконини беради. Масалан, қазилмаларнинг асосий турини, хусусан углеводород хомашёсини қазиб чиқариш ва ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, ташқи бозорларда кон саноати маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга, олтин, кумуш, мис, нефть ва газнинг янги конлари мавжуд жойларни излаб топиш ҳамда геологоразведка ишларини олиб боришни кенгайтиришга, илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштиришга, ресурсларни тежайдиган технологияларни кенгроқ жорий этишга янги-янги истиқболлар очади. Агросаноат индустриясини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўлиқ қайта ишлашни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларга йўл очади.

Шунингдек, телекоммуникация тизимларини такомиллаштиришга, юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этишга, электрон ва электротехника саноатида информацион технологияларни тараққий эттиришга ҳамда дастурлаш маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқаришга туртки беради. Қурилиш саноати равнақ топиб, капитал қурилиш талабларини юқори сифатли товарлар билан таъминлаш имкониятлари очилади. Транспорт инфратузилмасини модернизациялаш ва транзит салоҳиятини ошириш мақсадида халқаро транспорт терминалларида логистика хизматлари мажмуаси кўламини кенгайтиради. Кичик ва ўрта бизнес секторига, хусусийлаштириш ҳамда банк-молия тизими жараёнларига янада кенгроқ кўлам бериб, туризм инфратузилмаси ва унинг саноатини моддий-молиявий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Қарийб бир ҳафта давом этадиган анжуман тадбирларидан — иқтисодиётнинг илғор тармоқлари, қўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнес соҳаларига тааллуқли экспозицияларнинг кўргазмалари, халқаро миқёсдаги конференциялар, банклар фаолиятига тааллуқли тақдимотлар, инвестицион иқлим, регионал савдо ҳамда глобаллашув масалалари юзасидан семинарлар, ҳамкор шерикларнинг икки томонлама музокаралари, танловлар ўрин олган.

Ҳа, Тошкент жаҳон миқёсида муҳим воқеа — мамлакатимиз ҳаётида катта аҳамият касб этувчи ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлисини ўтказишга жуда катта масъулият билан ҳозирлик кўрди. Ўтган куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов анжуман меҳмонларини муносиб кутиб олиш йўлида бажарилган ишлар кўлами билан танишди. Янгидан қурилган ва таъмирдан чиқарилган меҳмонхоналарни, қайтадан ободонлаштирилган ва замонавийлаштирилган кўча ҳамда хиёбонларни бориб кўрди.

Матбуот йиғилишида қайд қилиб ўтилган ана шу барча тайёргарлик ва ташкилий ишлар пойтахтимиз — Тошкентда нуфузли Халқаро анжуман муваффақиятли ва сермазмун ўтади деган хулосани беради.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МУНОСАБАТ

## Демократик тараққиёт йўлидан

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессияси ишини, биз, бухороликлар ҳам телевидение, радио ва газеталар орқали, катта қизиқиш билан кузатдик. Чунки, парламентимизнинг ҳар бир сессияси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта воқеадир. Уларда қабул қилинадиган қонунлар барча соҳаларда давом эттирилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилади. Олий Мажлиснинг охирги сессияси ҳам бу фикрни тасдиқлади.

Мен сессияда қабул қилинган барча ҳужжатлар хусусида сўз юритмасдан, фақат республикамиз Президенти И.Каримовнинг ундаги маърузаси ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда биринчи ўқишда маъқулланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун лойиҳасигагина эътиборни қаратмоқчиман. Юртбошимиз ўз маърузасида, Конституциямизга киритилиши таклиф қилинган ўзгартиш ва қўшимчалар, Олий Мажлисга сайлов тизимини такомиллаштиришнинг жамият тараққиёти учун аҳамиятини тушунтириш билан бир қаторда, ҳукуматимизнинг Ироқ ва унинг теварагидаги воқеаларга оид сиёсатини баён этди. Бу билан мустақил Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлидан изчил бораётганини ва демократик тамойилларнинг бутун дунёда қарор топиши тарафдори эканлигини яна бир марта намойиш этди.

Ўзбекистон ХДП фаолларидан бири сифатида мени қувонтирган яна бир нарса шуки, юқорида тилга олинган ҳужжатлар асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган парламент ислоҳоти натижасида сиёсий партиялар фаолияти учун янги имкониятлар очилади. Бу, албатта, ташкилотларимиз зиммасига катта масъулият ҳам юклайди. Биз, партиямиз Марказий Кенгаши V пленумида таъкидланганидек, барча ишларимизни фаоллаштиришимиз, бўлажак парламентда ХДПнинг муносиб ўрин олишини кўзлаб ҳаракат қилишимиз керак.

Партиямизнинг вилоятимиздаги барча ташкилотлари, ундан Олий Мажлис, вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайланган депутатлар, фаолларимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессияси материаллари, Президент И.А.Каримовнинг ундаги маърузаси мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

***Жалолиддин НУРУЛЛАЕВ, Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши биринчи котиби***

ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ

## Конституционализм орқали Конституциявий давлатчилик сари

### АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИШ ҲАМДА ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА МОҲИЯТИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон сиёсий-ҳуқуқий ҳаётида тақдириломон ўзгаришлар тадрижан давом этмоқда. Улардан бири иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун бўлди. Қонуннинг ҳаётий ва мантиқий зарурати И. А. Каримовнинг сессияда қилган маърузасида ҳар томонлама асослаб берилди. Қонун келгуси чақириқда икки палатали парламентни сайлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги масалалар юзасидан 2002 йил 27 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг қарорлари билан боғлиқ. Референдум натижаларига кўра, «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар қабул қилиниб, улар Конституцияга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун юридик асос бўлган эди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида конституциявий такомиллик 1990 йилда қабул қилинган «Мустақиллик Декларацияси»дан бошланган эди. Декларация амалдаги Асосий Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилган эди.

Ўзбекистон Республикасида конституциявий ривож ўз йўналиши билан ғоят демократик мазмун-мундарижа касб этди. Даъвомизга асос бўлиб давлатимиз бошлиғи ташаббуси ўлароқ, 1990 йилда бошланган Асосий Қонунни тайёрлаш жараёнлари хизмат қилади. Мустақиллик эълон қилингунча янги Конституцияни тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузилган эди. Бу мураккаб ижодий жараённи бевосита Президентимизнинг ўзи расман бошқарган эди. Йўлбошчи тайёрланган лойиҳанинг ҳар бир моддаси, нормасини шахсан ўзи таҳрир қилди, жиддий ўзгартишлар ва қўшимчалар киритди. Талабчан хорижий экспертларнинг якдиллик билан Асосий Қонунимизни «Ислом Каримов Конституцияси», деб атаганлари бежиз эмас.

**(Давоми 2-бетда.)**

BANK XALQ BANKI

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

## Навбатдаги инсонпарварлик ёрдами

Токиодаги қатор маҳаллий ҳукумат ва тиббиёт муассасалари томонидан «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси номига навбатдаги бепул тиббий анжомлар юборилди.

Жами ҳисобда 20 миллион иендан (170 минг АҚШ доллари) иборат ушбу беғараз ёрдам республикамиздаги шифохоналар ва кам таъминланган оилаларга бериладди.

Замонавий тиббиёт анжомлари, жумладан реанимациядаги беморлар ҳолатини мониторинг қилувчи махсус ускуналар, наркоз анжомлари ва кўзнинг қуйи қисмини тадқиқ этувчи офталмологик аппаратлар мазкур юкнинг асосий қисмини ташкил этади. Бундан ташқари юзлаб велосипедлар, ногиронлар ва қарияларга мосланган аравачалар ҳам бор.

Икки тоннадан зиёд беғараз ёрдам юкини Тошкентга етказиб беришда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва унинг Япониядаги транспорт ҳамкори «Proco Air Service Inc.» компанияси яқиндан ёрдам берди.

**Б.АЛИМОВ, «Жаҳон» АА**

Токио.

## Ҳамкорлик ҳар қандай офатни енгади



**ФАРҒОНА, 30 апрель (ЎзА мухбири Расулжон КАМОЛОВ).** НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ўтказилган фавқулодда вазиятларга қарши ҳаракат бўйича халқаро «Фарғона-2003» машқлари якунланди.

Уч кун давом этган машқларда етти давлатдан келган бир юз йигирма нафар қутқарувчи табиий офатлар оқибатларини бартараф этишда аниқлик, эпчиллик ва ҳамжиҳатлик намуналарини намойиш этди. Бундай машқлар учун Фарғона вилояти бежиз танланмаган эди. Атрофи тоғ билан ўралган бу ҳудуд ер силкиниши, сув тошқинлари тез-тез содир бўлиб турадиган минтақалардан ҳисобланади.

Халқаро машқлар доирасида қидирув-қутқарув жиҳозлари очиқ кўргазмаси ҳам уюштирилди. Унда, айниқса, Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қутқарувчилари намойиш этган махсус қутқарув машинаси катта қизиқиш уйғотди. «СамКочавто» қўшма корхонасида тайёрланган бу техника фавқулодда вазиятларда узлуксиз алоқани таъминлаш, юк ортиш ва ташиш ишларида жуда қўл келади.

— Марказий Осиёда биринчи бор ўтказилган бундай нуфузли халқаро машқларда ўзбекистонлик қутқарувчилар алоҳида ўрнак кўрсатди, — дейди Украина фавқулодда ҳолатлар хизмати вакили, баҳолаш гуруҳи аъзоси Иван Загайка. — Улар воқеа содир бўлган ҳудудларда тезкор ва тўғри ҳаракат ҳамда ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ ишларни меъёрида бажарди. Ўзбек қутқарувчиларининг замонавий қидирув-қутқарув техникаси, анжомлари ва алоқа воситалари билан қуролланганини билан ҳам кўпчиликдан ажралиб турди.

Халқаро машқларни бевосита кузатиб борган хорижлик мутахассислар фикрича, тадбир юксак савияда ташкил этилди.

БИЗНЕС БАНК

ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

BUSINESS BANK

● ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ

# Конституционализм орқали Конституциявий давлатчилик сари

## АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИШ ҲАМДА ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА МОҲИЯТИ ҲАҚИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Мамлакат Конституциявий ҳужжатига демократик тамойиллар ва уларнинг конституциявий ривож йўли асос қилиб олинди. Асосий Қонунда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари, улар манфаатлари ҳимояси ҳақли равишда бош ўринни эгаллади, ана шу ҳуқуқларнинг, биринчи навбатда, фуқароларнинг суд томонидан қонуний ҳимоя қилиниши механизмлари белгилаб берилди.

Конституциямизда республика давлат суверенитети, ҳуқуқий ва иқтисодий мустақиллик расман қайд қилинди, унинг халқаро ҳамжамият аъзоси сифатидаги мақоми расмийлаштирилди, ҳуқуқ ҳамда қонун устуворлиги, ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойиллари аниқлаштирилди.

Шунингдек, Конституцияда янги сайлов тизими ва миллий анъаналар ҳисобга олинган қонунчилик органларининг шаклланиши тартиблари белгиланиб, палаталар мақоми, уларни тузиш тартиби, ваколатлари, ўзаро ҳамда бошқа ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиш механизмлари аниқлаб берилди.

Янги Конституция ҳокимиятларнинг бўлиниши, хусусий мулк ҳимояси сингари XX аср охирларидаги мавжуд илғор Конституциявий принципларни янада ривожлантириш имконини юзага келтирди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонуни, И. А. Каримов таъкидлаганидек, «мустабид тузумдан демократик жамиятга, мамлакатни бошқаришда инқирозга юз тутган ўта марказлашган маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимлаш тизимидан эркин иқтисодиётга ўтишни таъминлади, давлатчилик ва ҳуқуқ, сиёсат соҳаларида, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган ислоҳотларни амалга оширишда ишончли қонунчилик негизи ва ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган демократик тамойиллар, мақсад ва вазифалар асосида мамлакатимизни модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жабҳалари, жумладан, қонунчилик, ижро ва суд-ҳуқуқ соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган дастур қабул қилинди ва у изчил амалга оширилмоқда.

Юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар ва миллий анъаналарни ҳаётга жорий этиш масаласининг Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилиши жамиятимизни янгилашга, жаҳон демократик ҳамжамияти билан интеграциялашувга интилаётган мамлакатимизнинг янги қиёфаси ва фуқароларимизнинг янгича тафаккурини шакллантиришга хизмат қилмоқда».

Ҳаёт, тараққиёт давом этмоқда. Ўзбекистон ўз мустақиллик йўлидан оғишмай, буюк давлатчилик сари тадрижан, босқичма-босқич демократик ривожланиш жараёнларини босиб ўтмоқда. Демократлашиш ва такомиллашув жараёнлари жамият олдига янги-янги вазифалар қўймоқда. Бу — қонуният. Суверен давлатнинг ҳозирги ва эртанги мақоми, тадрижий ривож ҳамда ворисийлик негизида жамиятни тубдан янада демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг табиий талаблари, шубҳасиз, мавжуд конституциявий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Дарвоқе, Конституциямиз қоидаларига тегишли ўзгартишлар киритищдек мураккаб процедура амалдаги Асосий Қонунимизда назарда тутилган. Жумладан, Конституциямизнинг олтинчи бўлимида Конституцияга ўзгартиш киритиш тартиби аниқ белгилаб берилган. Асосий Қонуннинг 127, 128-моддаларига кўра, Конституцияга ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартишлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар томонлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин» (128-модда).

Амалдаги Асосий Қонун талабларига тўлиқ риоя этилди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида шундай қонун («Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни) қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддалари нормаларига киритилган ўзгартишлар, асосан бешинчи бўлим XVIII-XX, XXIII бобларига тааллуқли. Гап Асосий Қонунда белгиланган ҳокимият уч бўғинининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил амалга ошириш шартлари ҳамда кафолатлари хусусида кетмоқда.

Ўзгартиш ва қўшимчалар амалдаги Конституциянинг 32-моддасига киритилди. Жумладан, 76-модда Олий Мажлиснинг икки палатаси (Қонунчилик палатаси ва Сенат) ва уларнинг ваколат муддатлари, 77-модда палаталар таркиби (Қонунчилик палатасида 120 депутат, Сенатда 100 сенатор) ва сайлаш тартиблари билан тўлдирилди. Унга кўра, Қонунчилик палатаси кўппартиявийлик ва фуқароларнинг тегишли қонун доирасида ўз номзодларини кўрсатиш ташаббуслари асосида ҳудудий сайлов округларидан сайланади. Юқори палата — Сенат эса ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, у Сенат аъзоларидан иборат. Улар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Қонунчилик палатаси мақоми ва ваколати жиддий ўзгарди. У ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга оширади. Бу, нафақат қуйи палатада сайланадиган депутатлар таркибини сифат жиҳатидан ўзгартиради, улар малакаси ва профессионал маҳоратини оширишни талаб қилади, айни пайтда қонунлар чиқариш жараёнларини ҳам жиддий ўзгартиради, улар мундарижасини бойитади, қонунчиликни такомиллаштиради.

78-моддага киритилган ўзгартишларга мувофиқ, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ҳамкорлик фаолиятлари сирасига Конституцияга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш, Конституциявий қонунлар ва қонунлар қабул қилиш; уларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш; референдум ўтказиш ҳақида қарорлар қабул қилиш ва унинг муддатини тайин этиш, ички ҳамда ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш; қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимиятлари тизими ва ваколатларини белгилаш; республика таркибида янги давлат тузилмаларини ташкил этиш; Давлат бюджетини қабул қилиш, унинг ижросини назорат этиш; маъмурий-ҳудудий масалаларни қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларни ўзгартириш; давлат мукофотлари ҳамда унвонларини ташкил этиш; вазирлик, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органларини тузиш, қисқартириш ҳақидаги Президент фармонларини тасдиқлаш; Президент тавсияси билан Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш; республикага четдан ҳужум бўлганда ёки агрессиядан ҳамкорликда ҳимояланиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати, шунингдек, армияга умумчақирув ёхуд қисман чақирувни эълон қилиш, фавқулодда вазиятни чўзиш ёки тўхтатиш ҳақидаги Президент фармонларини тасдиқлаш каби Конституцияда аксини топган бўлак ваколатларни амалга оширади.

Палаталарнинг ҳамкорликда фаолият кўрсатиши тизимига кўра, масала олдин Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади.

Бундан ташқари қонуннинг 79, 88-моддаларида Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ваколатлари, конституциявий мақомлари аниқ белгилаб берилган фаолиятларида рўй бериши мумкин ўхшашликлару такрорларга имкон қолдирилмаган. Улар Олий Мажлиснинг ҳукумат фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш, шунингдек, Бош вазир номзодини тасдиқлаш билан боғлиқ конституциявий процедуралардаги роли ҳамда ваколатини, масъулиятини, шубҳасиз, ошириб юборади.

89, 90, 93, 95, 97-моддаларда Президентнинг ҳам давлат бошлиғи ва ҳам ижро этувчи ҳокимият раҳбари сифатидаги ваколатлари ҳамда мақомлари аниқлаштирилиб берилади. Жумладан, давлат, суд ва махсус хизмат идоралари, чет элдаги, халқаро ташкилотлардаги дипломатик ваколатхоналар ходимларини тайинлаш ҳамда тасдиқлаш билан боғлиқ Президент ваколатлари шаклланажак Сенат тасарруфига берилади.

Президент ваколатлари ва функцияларининг қайта тақсимланиши давлат қурилишида демократик талабларни янада кучайтиради. Айни пайтда, Бош вазирнинг, ҳукуматнинг, умуман, ҳокимият тизимларининг масъулияти анча ошади.

97-моддада белгиланганидек, ваколат муддати тугаган Президент истеъфога чиқса, у бир умр Сенат аъзоси бўлиб қолади (Амалдаги Конституцияга кўра, истеъфога чиққан давлат бошлиғи умрбод Конституциявий суд аъзоси бўлиб қолар эди).

Қонуннинг 107, 109, 110, 112-моддалари суд ҳокимиятининг таркиби ва мақомини янада аниқ белгилаб берди. Киритилган ўзгартишлар кейинги йилларда қабул қилинган суд тизимининг ихтисослашуви ва такомилини, мустақиллигини амалда тўлиқ кафолатлаш ҳамда таъминлашга, шунингдек, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни, улар билан боғлиқ бўлак ҳуқуқий нормаларни тубдан эркинлаштиришга хизмат қилади.

Сайлов тизимини демократлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш қоидалари қонуннинг 117-моддасида ифодасини топган. Моддада ҳокимиятни сайлаш ва шакллантиришда халқ хоҳиш-иродасининг эркин намоён бўлишини тўлиқ таъминлаш, энг етук, юксак демократик тамойилларга жавоб берадиган сайлов тизимини марказда ҳам, жойларда ҳам жорий этиш нормалари акс этган. Ана шу мақсадда Олий Мажлиснинг XI сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун турли манфаатдор гуруҳлар, биринчи галда, нуфузли халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг фикр-мулоҳазалари, ёндашув ҳамда танқидий баҳоларини тўлиқ инобатга олган ҳолда яратилди.

Амалдаги Конституциянинг юқорида эслатилган 127-моддаси ҳам ўзгариб, у қуйидаги таҳрирда берилди: «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади».

Маълумки, демократия дунёсида Асосий Қонунни конкретлаштиришдек иллатдан қочишади. Акс ҳолда, Конституцияга тинимсиз ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ ишлардан қўл бўшамайди. Ундан ташқари конституциявий нормаларни юксак даражада деталлаштириш тегишли ҳуқуқ институтлари ривожига салбий таъсир қилиши муқаррар. Аммо Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан боғлиқ мазкур ҳодиса мантиқан фавқулодда воқеадир. Чунки ёш Ўзбекистон давлати ўтиш босқичидек мураккаб миллий тикланиш жараёнларини, демократик изланиш ва такомиллашиш босқичларини кечиняпти ва бу табиий ҳам.

Мана нима сабабдан, Конституциямизга киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг ўз буюк келажаги сари демократия ва эркинлаштириш, барқарорлик, тинчлик, тараққиёт, халқ фаровонлигини, осойишталигини таъминлаш билан боғлиқ тақдириломон мақсадларни амалга ошириш йўлидан оғишмай, босқичма-босқич олға боришига кафолат бўлади, бўлажак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўлдирилгани, янгилангани конституционализм орқали конституциявий давлатчилик сари юз тутган мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришда ишончли конституциявий-ҳуқуқий асос — манба бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ.

**Мурод ШАРИФХЎЖАЕВ,**
**академик**

● ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

**Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан кейин маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечган ҳолда бозор муносабатлари тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш йўлини танлади. Хўш, бу жараён қандай амалга оширилди, унга қандай омиллар таъсир қилди?**

# Мақбул ва манзур йўл

Аввало, жараённи қандай куч йўналтириб туриши керак, деган муаммо юзага келди. Масалага МДҲ давлатларининг ҳар бири ўзларича жавоб топишга ҳаракат қилишди. Баъзи мамлакатлар бозор — бу хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлиқ эркинлиги, давлат иқтисодиётга аралашмаслиги зарур деган «фалаж терапия» андозасини танлашди. Ўзбекистон Республикаси эса мамлакат Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган ва тўла асослаб берилган тараққиётнинг беш асосий тамойилларидан бири — бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислоҳотчиси бўлиши шарт, деган йўлни танлади.

Тамойилнинг моҳияти шунда эдики, бозор муносабатларига ўтиш даврида **давлат — бош ислоҳотчи** бўлиб, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиши ҳамда уни изчил амалга ошириши зарур эди. Чунки жаҳон тажрибасида иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиб туриш зарурлиги аллақачон исботини топган. Юртбошимиз айтганидек: **«... Том маънода ўзини ўзи тартибга солиб турувчи бозор бўлмайди. Давлат ўзининг алоҳида мавқеига кўра ҳамма даврларда иқтисодий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатиб келган».**

Айниқса, давлатнинг иқтисодиётга раҳбарлиги ва таъсири ташқи иқтисодий фаолиятда яққол ва равшан намоён бўлади. У ёки бу даражада ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда давлат мамлакат ички оборотига нисбатан нейтрал позицияда туриши мумкин, бироқ ҳеч қайси давлат ташқи иқтисодий фаолиятга нисбатан бефарқ қараб тура олмайди. Бошқача айтганда, ҳар қандай давлат бу фаолиятга турли воситалар ва шакллар орқали фаол аралашиб туради, бундан ташқари унинг субъектлари хатти-ҳаракатига ҳам таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятга давлат йўли билан таъсир этиш шакллари ва усулларини нималарда кўриш мумкин? Энг аввало, ташқи иқтисодий фаолиятнинг ташкилий механизми тубдан ислоҳ қилинди, яъни эркинлаштиришнинг республика манфаатларига зиён етказмаган ҳолда яна ҳам очиқроқ бўлишини таъминлаш йўлидан борилди.

Шу боисдан ҳамки, мамлакатимизда давлат бошқарув органлари ва тармоқ вазирликлари қисқа вақт ичидаёқ бозор иқтисодиёти талабларига кўпроқ жавоб бера оладиган тузилмаларга айлантирилди ва ташқи иқтисодий фаолиятда давлат томонидан доимий тартибга солиб туриладиган сиёсий,ижтимоий-иқтисодий йўл танланди.

**Ширинжон БЎРИХЎЖАЕВА,**
**Тошкент давлат юридик институти магистратура марказининг II курс талабаси**

# Маҳаллам — фахрим

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлимлари, Ободонлаштириш бош бошқармаси ташаббуси билан «Маҳаллам — фахрим» танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳрининг барча туманларидан биринчи босқичда ғолибликни қўлга киритган маҳаллалар иштирок этиб, ўз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган ҳунармандчилик тўгаракларида ясалган буюмлар, маҳаллада истиқомат қилаётган ижодкорларнинг ижод намуналарини намойиш этдилар. Шунингдек, ташриф буюрган ёш санъаткорлар дасталари томонидан бадиий чиқишлар қилинди.

Кўрик-танлов якунига кўра, Сирғали тумани Абдураҳмон Жомий ва Ҳамза туманидаги «Янгиобод» маҳаллалари биринчи, Шайхонтоҳур туманидаги «Тинчлик» маҳалласи иккинчи, А.Икромов туманидаги «Ўрикзор» маҳалласи учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

**Умида ХОЛМИРЗАЕВА,**
**Умид СОРИЕВ**

✔ МАҲСУЛОТ — ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!

# Таом тузи билан...





*Шавкат АКРАМОВ олган суратлар*

*Бугун мамлакатимизда ўз хомашёмиздан ўзимиз тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга жиддий киришдик. Ўз ички бозоримизни ўзимиз тўлдиришдек катта масъулиятни зиммамизга олдик. Халқ хўжалигининг барча соҳалари каби озиқ-овқат саноатининг ноёб маҳсулотларидан бири — ош тузини ҳам ўзимиз кўплаб ишлаб чиқаришга эришдик. Тошкентдаги биргина «Орзу ош тузи» шўъба корхонаси фаолияти бунинг ёрқин мисоли.*

*Корхона 2001 йилнинг ноябрь ойидан иш бошлади. Илк кунлардан маҳсулот сифатига, унинг талаб даражасида майдаланиши, белгиланган миқдорда йодланиши, қуритилиши ва қадоқланишига муҳим эътибор берилди. Янги-янги ускуналар ўрнатилди. Тегирмон жиҳозлари замонавий линияларга айлантирилди.*

*Самара ҳам кун сайин яхшиланиб, юксалиб бораверди. Ўтган йили бу ерда йодланган, қадоқланган 1567,5 тонна сифатли ош тузи ишлаб чиқарилди. Бу — 145924,6 минг сўмлик маҳсулот дегани. Соф фойда 11273,7 минг сўмни ташкил этди. Корхонада ишлаётган 30 нафар ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақи фонди 2534,4 минг сўмга етди. Жорий йилнинг ўтган чораги натижалари ҳам чакки бўлмади. Ўзига хос мўъжазгина корхонада 261,5 тонна юқори сифатли маҳсулот тайёрланди.*

*— Буюртмачиларимиз ҳам, харидорларимиз ҳам кўп, — дейди корхона раҳбари Абдул Раҳим Мир Аҳмад. — Тайёр маҳсулотни пешма-пеш истеъмолчиларга жўнатиб турибмиз.*

*— Хомашёни қаердан олаяпсизлар? — сўраймиз ундан.*

*— Асосан Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай райони, Навоийдаги «Элтуз» шўъба корхонаси ва ҳатто Тошкентдаги «Енгсаноаттаъминот» масъулияти чекланган жамиятдан ҳам...*

*— Келажакдаги режаларингиз қандай?*

*— Талабгор кўп бўлиб, эҳтиёж катта бўлгач, ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ҳақида ўйларкансан, киши. Агар шунга эришсак, яқин қўшни мамлакатларга экспорт қилишни ҳам орзу қилаяпмиз...*

**Умиджон САТТОРОВ**

● ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# Бурч ва ишончни унутганлар

## ЁКИ ТЕКИН ДАРОМАД ТОПИШГА РУЖУ ҚЎЙИШ ОҚИБАТИ

Бугун кимдир ўзини тижоратга урса, бошқа биров фермерликни ривожлантирмоқда. Ҳар ким ўз имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга уринмоқда. Демак, бозор иқтисодиёти ҳаётимизга сингиб бормоқда.

Ана шундай кенг имкониятлар даврида нопок, ҳаромхариш йўлни танлаган айрим кимсалар ҳам учрамоқдаки, уларнинг кирдикорларини фош этмаса бўлмас.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАКга қарашли «Сервис Маркази»да поезд бошлиғи бўлиб ишлаб келган Абдулҳаким Маҳмудов, вагон кузатувчилари Эркин Юнусов ва Баҳодир Тўлагановлар ўзаро жиноий тил бириктириб «Тошкент — Москва — Тошкент» йўналишида ҳаракатланаётган поездда бири 20 та, иккинчиси 11 та чиптасиз йўловчини манзилга элтган. Натижада улар жами 2 миллион 267 минг сўмдан ошиқ миқдорда темирйўл компаниясига зарар келтирган.

Бу ҳолат прокуратура ходимлари томонидан текширилганда поезд бошлиғи А.Маҳмудов худодан хабари бору лекин бу ишдан хабари йўқлиги ҳақида онт ичади. Бироқ қасам ҳам эви билан-да. Чунки ҳаракатланаётган поездда масъул шахс бўла туриб, қандай қилиб бундан бехабар қолиши мумкин?

Ўйланиб қолади киши, нега у масъул шахс бўла туриб, вагон кузатувчилари «раъйи»га қарши бормади? Унга нима етмасди? Босилаётган қадам жиноят эканлигини билмасмиди, биларди. Пешона тери эвазига орттирилган бойлик ҳалоллиги, баракали бўлишини, нопок йўл билан топилган пул буюрмаслигини тушунмагани боис ўзини ва ҳамтовоқларини бадном қилди...

Яна бир шахс — Одил Асадов ҳам Абдулҳаким Маҳмудов юрган йўлнинг сал бошқачароғидан юрди. Натижада Мирообод тумани уй-жой ишлаб чиқариш инспекцияси бўлими бошлиғи деган номга қора доғ туширди.

Уй-жой ҳужжатларида бирор муаммога дуч келган киши аввало унга учрашиши, ундан мадад сўраши керак. Афсуски, у берилажак «мадад»ни пулга ўлчади. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек бу «хислат» унда борган сари газак отди. Охир-оқибат пора устида қўлга тушди.

Инспекцияга мурожаат қилган фуқаро А.Исабоевдан таниши З.Раҳмонқулованинг Қўйлиқ-1, 6-«а» уй, 24-хонадонининг режасини тиклаб бериш эвазига 25000 сўм пул талаб қилди. Бошқа йўл йўқлигини англаган А.Исабоев бу шартга рози бўлади. Келишилган кунда пулни олиб келади. О.Асатов ўз хизмат хонасида А.Исабоевдан 25000 сўм пулни пора тариқасида олган пайтда Тошкент шаҳар прокуратураси ва ИИББ ходимлари томонидан далилий ашё билан ушланади...

Суд ҳар икки ҳолатни ҳам чуқур ўрганиб чиқди. Жиноятчилар тегишли жазоларини олишди. Лекин шу ўринда баъзи фикрларимиз бор: Нега энди масъул шахслар ўртасида бу каби иллатлар содир этилаяпти? Бунинг сабаблари кўп, албатта. Назаримизда шулардан бири айрим жойларда кадр танлашда таниш-билишчиликка йўл қўйилаётганида. Кадрларнинг лаёқати, маънавияти негадир ҳисобга олинмаётир, шахсий садоқат кўпроқ «қадр»ланаётгандек туюлмоқда.

Қачон бундай иллатларга барҳам берилади? Бу ўринда ҳам кўп таклифларни айтиш мумкин. Масаланинг бир жиҳатини айтмоқчимиз: раҳбар-кадрларнинг дунёқарашларига эътибор қаратилса, юқори лавозимларга тайинлаш, тавсия этишда унинг билими, одоби, лаёқати ва бошқа инсоний хислатлари мукаммал ўрганилса, яхшироқ бўларди. Ахир мансаб — мартаба, имтиёз эмаслигини билган кишигина ҳалол ишлайди.

**Асрор САГАТОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Мирообод тумани суди раиси,**
**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

● БАНК ВА МИЖОЗ

# Мадад — биздан, натижа — сиздан

## ДЕЙИШМОҚДА РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ТУРОН» БАНКИНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ХОДИМЛАРИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИГА

**Дарвоқе, вилоятда бозор инфратузилмасини ривожлантиришда тадбиркор фермер хўжаликларини қувватлаш ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг эркин сотилишини таъминлашда филиал жамоасининг муносиб улуши бор.**

**Суҳбатдошимиз филиал бошқарувчиси Фахриддин УМАРОВ.**

**— Фахриддин ака, ҳозир тез-тез тилга олинаётган «банк ва мижоз» деган атамани ўз иш фаолиятларингиз мисолида қисқагина ифодалаб берсангиз...**

— Мижозларга банк хизмати кўрсатиш кейинги йилларда анча яхшиланди. Бугун мижоз банкни эмас, банк мижоз изламоқда. Мижозлар хизматимиз савиясига, сифатига қараб иш тутишяпти. Айни пайтда 600 дан зиёд мижозимиз бор. Асосий эътиборимиз — вилоят қишлоқ хўжалиги ривожига муносиб ҳисса қўшиш ва бу соҳа аҳлини моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Банкнинг нақд пул тушумини кўпайтириш, аҳолига қулайликлар яратиш ниятида Қизилтепа, Навоий, Кармана ва Навбаҳор туманларида кичик-кичик банклар очганмиз. Тасаррufимиздаги тадбиркорлар 650 тадан ошиб кетди. Шу йилнинг уч ойи давомида жами 73,1 миллион сўм миқдорида қисқа ва ўрта муддатли кредитлар ажратдик. Ўтган чоракликда режадаги 38 миллион ўрнига 73,1 миллион сўмлик қисқа муддатли кредитлар бердик. Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан банкимизга белгиланган чорак лимити тўла ўзлаштирилди. Бизнес фонд маблағидан 9,1 миллион сўм ўзлаштирилиб, у 2 та фермер хўжалиги, 1 та деҳқон хўжалиги ва 2 та кичик корхонага йўналтирилди. Имтиёзли кредитлаш жамғармасига эса 2000,0 минг сўм ажратилди.

**— Ажратилаётган ана шу кредитларни олганлар қандай ва қай тарзда фойдаланишяпти?**

— Кредитни олиб ундан тўғри ва мақсадли фойдаланаётганлар кўп. Масалан, Навоий туманидаги «Истам-Раҳим» хусусий фирмасига 5 миллион сўмлик имтиёзли кредит берилганди. Фирма бу пулга автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси, 50 ўринли замонавий меҳмонхона ва енгил машиналарга техник хизмат кўрсатиш устахонаси қуриб, ишга туширди. Яна шуниси эътиборлики, қарзлар қисқа вақтларда қайтарилмоқда. Кармана туманидаги тадбиркор Ўткир Фармонов 4 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, бичиш-тикиш цехи очди ва 6 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Маҳсулот харидоргир бўлганлиги сабабли олинган қарз ҳозирга келиб тўла қайтарилди.

**— Банк ёки мижоз танлаш, хизмат кўрсатиш, кредит ажратиш ва ҳақ тўлаш ҳуқуқлари ҳақида ҳам...**

— Банкка ҳам, мижозга ҳам ўз банки, ўз мижозини танлаш, хизмат кўрсатиш ва кредит ресурслари учун ҳақ тўлаш ҳуқуқлари берилган. Шунда ҳар икки томоннинг манфаатдорлиги ҳам кучаяди, улар ўртасида соғлом рақобат вужудга келади ва томонлар ўз меҳнатлари самарасини кўришга имкон олишади. **«Банклар тўғрисида»**ги, **«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»**ги қонунларнинг кучга киритилиши соҳамизнинг равнақига, иқтисодига катта туртки берди. Замонавий иш дастурига, асбоб-ускуналарга ва янги иш услубларига эга бўлдик. Банк фаолиятини бошқаришда акциядорлар иштирокини кучайтириш, банк ходимларини шартнома асосида ишлашга ўтказиш, кредит берилиши ва уларнинг вақтида қайтарилишини таъминлаш масаласи ҳам доимий диққат марказимизда турибди. Шу нуқтаи назардан, банк раҳбарияти ва ижрочи органларнинг масъулияти ҳар қачонгидан ошди. 2003 йил 1 апрель ҳолатига кўра, устав капиталимиз 64000,0 минг сўмга етди. Ўтган йили 46315,0 минг сўмлик банк акциялари сотилди.

Юртбошимизнинг **«Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»**ги (2003 йил, 24 март) фармонидан сўнг банкимиз жамоаси ўз фаолият режаларини яна бир бор қайта кўриб чиқиб, бозор инфратузилмасини ривожлантириш йўлида фермер хўжаликлари ва тадбиркорларни тобора қўллаб-қувватлаш учун кредитлар, хусусан, имтиёзли кредитлар салмоғини бу йил янада оширишни ният қилиб қўйган. Мадад — биздан бўлади, натижа — улардан.

**Суҳбатдош:**
**Абдумутал НОРБОЕВ**

● САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

# МАРКАЗИЙ БАНК:

## унинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни

***«Сўнгги йилларда банклар жуда кўпайиб кетди: «Халқ Банки», «Пахтабанк», «ЎзДЭУ банк», «Миллий банк», «Универсал банк», «Туронбанк», «Заминбанк», «Тадбиркорбанк» ва ҳоказо. Ҳаммасининг ҳам ўз ўрни, ўз мақоми ва ўз вазифаси бор, албатта. Аммо, назаримда, уларнинг энг тепасида Марказий Банк турса керак, деб ўйлайман. Шу маънода Марказий Банк ўз тузилиши, мақсади ва кўлами жиҳатдан қандай нуфузга эга? Унинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ҳақида қисқача маълумот берсангиз?***

**Суннатулла НАЗРУЛЛА ўғли,**
**Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани,**
**ёш тадбиркор.»**

— Таҳририят илтимоси билан Сизнинг саволингизга жавоб беришдан олдин аввало «Банк» — деган сўз ва унинг тушунчасига бир эътибор берайлик. Банк (фран. banque; итал. banco — пул алмаштирувчилар курсиси, дўкони) — вақтинча бўш қолган пул маблағлари тўланадиган молия корхонаси бўлиб, у бу маблағларни вақтинча пулга муҳтож корхоналарга кредитлар (қарз ва ссуда) тарзида маълум муддатга фойдаланиш учун бериб туради.

Корхона, идоралар ёки айрим шахслар ўртасидаги ўзаро тўлов ва ҳисоб-китобларда воситачилик қилади. Шу нуқтаи назардан Банк **мамлакатда пул айланишини, жумладан, янги пул чиқарилиши (эмиссияси)ни тартибга солиб туради, қимматли қоғозлар эмиссияси ва улар иштирокида бошқа муомалаларни амалга оширади. (Изоҳли луғат. Тошкент — «Меҳнат» — 2003.)**

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ҳам — банк тизимининг асосий бўғини ва Давлат бошқаруви органи. У ҳам кўпгина ривожланган мамлакатларнинг банк тизими сингари икки поғонали. Унинг фаолиятини юритиш ҳамда ваколатларини белгилаш мақсадида 1995 йил декабрь ойида **«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»**ги Қонун қабул қилинган. Унга кўра, банкнинг асосий мақсади — миллий иқтисодиётнинг бош омили ҳисобланган валюта, яъни «СЎМ»нинг барқарорлигини таъминлашдан иборат. Асосий вазифалари: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пул-кредит сиёсатини амалга ошириш; республика ҳудудида самарали ҳисоб-китоб тизимини ташкил этиш ва таъминлаш; банклар фаолиятини тартибга солиш, улар устидан назоратни амалга ошириш; мамлакат расмий олтин валюта захираларини сақлаш, тасарруф этиш; молия вазирлиги билан биргаликда давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш ва ҳоказо.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки мувофиқлаштирилган монетар ва кредит сиёсатини амалга оширади, муомаладаги нақд пул массаси, инфляция жараёни ва миллий валюта алмашинув курсини тартибга солади, улар устидан назоратни амалга ошириб боради. Марказий банк мақсадли тузилма ҳисобланиб, жамият учун ўта зарур муайян функцияларни ҳам бажаради.

Банкнинг иш самарадорлиги кенг кўламдаги қатор функцияларни қай даражада муваффақиятли бажариши билан белгиланади. Масалан, нақд миллий валютани эмиссия қилиш, унинг муомаласини ташкил этиш; банк операцияларини амалга ошириш, банк тизими учун бухгалтерия ҳисоблари ҳамда ҳисоб-китоб қоидаларини белгилаш; тижорат банкларини рўйхатдан ўтказиш, лицензиялар бериш, ва зарур ҳолларда уларни қайтариб олиш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олий бўғини — Марказий банк бошқаруви ҳисобланади. Бошқарув барча норматив ҳужжатлар, қонунлар ва йўриқномаларни жорий этиб боради. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барқарор иқтисодий сиёсатни таъминлаш мақсадида тижорат банклари учун мажбурий захира нормаларини белгилаб бориш, қайта молиялаш ставкасини аниқлаб бериш ва очиқ бозор операцияларини амалга ошириш — Марказий банк ваколатига киради.

Қисқа қилиб айтганда, миллий иқтисодиётда Марказий банк амалга ошираётган сиёсат мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.

**Марҳабо ИСРОИЛОВА,**
**Тошкент солиқ коллежи ўқитувчиси.**




### Янги тартиб ўрнатилади

Латвияда бугундан бошлаб Муҳожирлик тўғрисидаги қонун кучга киради. Унга кўра, мамлакатга ажнабийларнинг келиш тартиби ўзгартирилди. Айниқса, бу тартиб Россия ва МДҲнинг бошқа мамлакатларидан келувчиларга тааллуқли.

Латвия Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик департаменти директори Хордийс Бауманиснинг ПРАЙМ-ТАСС журналистига маълум қилишича, эндиликда янги қонунга кўра оширилган нарх эвазига тезкор виза очиш тартиби бекор қилинади. «Бу Латвияда тезкор виза йўқ бўлибди, дегани эмас. Агар Россия ёки бошқа давлат фуқаросининг Латвияга тез етиб келишини тақдир тақозо этса, масалан, қариндоши оғир касал бўлса, унга тезда виза берилади. Фақат авваллари оширилган нарх эвазига берилган бўлса, эндиликда у текинга берилади» деди Хардийс.

Унинг сўзларига қараганда, Латвияда виза бериш муддати ҳам қисқартирилиб, аввалгидек 10 кунда эмас, балки 7 кунда берилади. Бундан ташқари суғурта полиси ҳам талаб этилади.

Янги тартиб Латвиянинг Европа Иттифоқига интеграциялашуви доирасида ҳамда Шенген битими талаблари асосида амалга оширилмоқда.

### Автомобиллар қайтарилмоқда

General Motors концерни 1997-98 йилларда ишлаб чиқарилган автомобиль моделларида техник носозлик мавжудлиги сабабли 570000 та автомобилни чақириб олишини маълум қилди.

Гап шундаки, машина эшикларидаги ён электр узатгичларда носозликлар мавжуд. Ҳатто айнан шу камчилик билан 67 та ҳолат қайд этилган.

Шундай қилиб Chewrolet N GMC Suburban, Chevrolet Blazer N GMC Jimmy, Chevrolet C/K N GMC Sierra, Chevrolet Astro N GMC Safari автомобиллари GM дилерлари орқали чақириб олиниб, текинга созлаб берилади.

Техник носоз автомобилларнинг асосий қисми АҚШга, 46000 донаси эса Канадага сотилган эди.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

# ИРОҚ: ҳарбий ҳаракатларнинг якунланиши

## ҲАҚИДА БУГУН АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ЧИҚИШ ҚИЛАДИ

Аслида урушнинг бир куни ҳам уруш, ўн йил давом этса ҳам уруш. Бироқ Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар XX аср урушларидан кескин фарқ қилади. Негаки, аввалambор, бу ҳарбий ҳаракат мақсади ўзга мамлакатни босиб олишга эмас, балки, мустабид тузумни ағдариш, инсониятни қирғин қуролларидан ҳимоялашга қаратилган эди. Иккинчидан, коалиция кучлари томонидан олиб борилган бу жараён узоққа чўзилмади. Аслида режа ҳам шундай эди. Сабаб: уруш узоққа чўзилса, азобини халқ тортади.

Бугун АҚШ Президенти Жорж Буш Форс кўрфазидан яқинда қайтган мамлакат ҳарбий денгиз кучларининг Abraham Lincoln номли авианосецида туриб, Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар якунланганлигини расмий эълон қилади. Оқ уй маъмурияти берган маълумотга таяниб бу ҳақда CNN телекомпанияси хабар тарқатди.

Куни кеча Жорж Буш АҚШда яшовчи ироқликлар ҳузурида сўзга чиқаркан, шундай деди: «Биз сизларни диктатурага асосланган Саддам Ҳусайн тузумидан озод этишга ваъда берган эдик. Ваъдамизнинг устидан чиқдик. Энди эса Ироқ гуллаб-яшнашига ваъда берамиз. Ва ишонингларки, бу ваъдамизнинг ҳам уддасидан чиқамиз».

Дарҳақиқат, ваъда бажарилди. Шунинг учун ҳам Ироқ халқи коалиция кучларини қўллаб-қувватламоқда. Энди эса мамлакатни қайта тиклаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Буни биргина нефть қудуқларининг ишга туширилишидан ҳам билса бўлади. Британиянинг Guardian газетасида ёзишларича, ўтган ҳафтада Америка муҳандислари Ироқнинг Southern Oil нефть компанияси раҳбарияти билан учрашиб, нефть қудуқларида қайта тиклаш ишларини олиб бориш, ускуналар талон-торож қилинишига барҳам бериш ва компания ишчиларининг ўз иш жойларига тезроқ қайтиши масаласини муҳокама этган эдилар. Келишувга кўра, ўтган ҳафтанинг ўзида Halliburton корпорациясининг Kellogg Brown & Root шўъба компанияси Ироқ жанубидаги Румейла нефть қудуғида нефть қазиб олишни бошлаб берди. Куни кеча эса Киркук қудуқлари ҳам иш бошлади. Ҳозир бу ердаги уч қудуқдан бир кеча-кундузда 25 минг баррель нефть қазиб олинмоқда. Яқин кунларда бу кўрсаткич 50 минг баррелга етади.

Кейинги ҳафта эса Ироқнинг Northern Oil компанияси иш бошлаб, Бағдоддаги Daura нефтни қайта ишлаш заводига хомашё етказиб беради. Шунингдек, Ироқнинг шимолий ҳудудидаги Вауjі заводи ҳам ишга тушади.



Мамлакат тезда оёққа туриб олиши учун жаҳон жамоатчилиги ўз ёрдамини аямаяпти. Бу борада шу йил 21-23 июнь кунлари Иорданияда ўтказилиши мўлжалланаётган жаҳон иқтисодий форумининг махсус йиғилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бу йиғиннинг асосий мавзуси Ироқни қайта тиклаш масалалари бўлиб, унда дунё давлатларидан 1900 дан ортиқ делегация иштирок этиши кутилмоқда. Бундан ташқари бугунги кунда АҚШ маъмурияти Ироқ ўз иқтисодиётини кўтариб олиши учун мамлакатда божсиз ҳудуд жорий этишни режаламоқда. Бу тадбир уч ойга мўлжалланган бўлиб, мамлакатга товар моллари кўплаб кириб келишига, аҳоли эҳтиёжини қондиришга имконият яратади.



Маълумки, коалиция кучлари мамлакат маъмурияти вазифасини бажариб турибди. Ироқнинг янги ҳукуматини тузиш эса бугуннинг долзарб вазифасига айланган. Шунинг учун ҳам Ироқнинг сиёсий ва диний етакчилари учрашиб, бир ой ичида мувақкат ҳукумат тузиш бўйича умуммиллий конференция ўтказишга келишиб олдилар. Reuters берган маълумотга кўра, бу учрашувда Ироқнинг 300 дан ортиқ етакчиси ва қайта тиклаш ишларини вақтинча бошқариб туриш учун Америка томонидан раҳбарликка қўйилган генерал Жей Гарнер қатнашган. Мажлис 10 соат давом этган.

Шу ўринда бир савол туғилади: Ироқни қайта тиклаш ишларига халақит берувчи, коалиция кучларига қаршилик кўрсатувчи Саддам Ҳусайн тузуми тарафдорлари бутунлай йўқ қилинганми? Йўқ, ҳали қаршилик кучлари мавжуд. Шотландияда чоп этиладиган The Scotsman газетаси хабар беришича, Ироқ партизанлари Тигр дарёсининг ғарбий қирғоғида Американинг 2 та блокпостига қуролли ҳужум қилганлар. Отишма 45 минут давом этган. Фақат авиация ёрдамидагина ҳужум бартараф этилган.

Қаршилик кўрсатувчи кучлар ҳали мавжудлигини инобатга олиб, кейинги ҳафтада АҚШ Бағдод ҳудудига яна қўшимча 4 мингга яқин ҳарбий пиёдалар ва ҳарбий полиция ташлашга қарор қилди. Генерал-майор Гленн Вебстернинг айтишича, улар шаҳарда хавфсизлик ва тартиб-интизомни сақлайдилар. Шу кунларда Бағдодда 12 мингга яқин, умуман Ироқда эса 150 минг атрофида Америка ҳарбийлари бор.

USA Today тарқатган маълумотларда айтилишича, Пентагон Ироқдаги 125 минг кишилик ҳарбий контингентини бир йил мобайнида ўша ерда сақлаб туришни режаламоқда. Улар мамлакатда барқарорликни таъминлаш, янги мувaққат ҳукуматга кўмак беришда иштирок этадилар. Агар бир йил давомида мамлакатда барқарорлик сақланса, ҳарбийлар сони 60 мингтагача қисқартирилади.

Эслатиб ўтамиз: ҳарбий операцияда 264 минг Америка ҳарбийси иштирок этган. Демак, бугунги кунда уларнинг ярмига яқини ўз ватанига қайтиб кетган.

Дарвоқе, яна бир гап: Ироқ халқининг коалиция кучларига нисбатан муносабати ўзгариб бораётганини қуйидаги мисолдан ҳам билиб олиш қийин эмас. Жумладан, мамлакат жанубидаги Ан-Нажаф шаҳрида АҚШ денгиз пиёдалари корпусининг 7-полки аскарлари билан маҳаллий футбол командаси ўртасида мусобақа бўлиб ўтди. 600 кишидан ортиқ томошабин йиғилган мусобақада Америка ҳарбийлари гарчи 7:0 га ютқазган бўлсалар-да, ўйиндан мамнунликларини изҳор этдилар. Негаки, ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик ришталари боғланиб, куртак отиб бормоқда. Бу эса мамлакатни қайта тиклаш ишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Алимқул СУЛТОН**

### МДҲда биринчи

Пойтахтимизда МДҲ да биринчи бўлиб Европа анестезиологлари таълими (FEEA) минтақавий маркази очилди.

Бу шифокорларнинг олий ўқув юртини тугатганидан кейинги узлуксиз ўқишини таъминлайди. Бу ерда тегишли адабиётлар билан мунтазам танишиш, хорижий ҳамкасблари билан тажриба алмашиш мумкин.

Маълумки, соғлиқни сақлаш тизимининг ҳар бир хизмати, жумладан, анестезиологик хизмат сифатини ошириш учун амалиётчи-шифокорларни қайта тайёрлаш ва ўқитиш ўта муҳим вазифа ҳисобланади.

Мутахассисликнинг кўплаб жиҳатлари, шу жумладан, анестезия, шошилинч тиббий ёрдам, интенсив ёрдам ва оғриқни даволашни қамраб олувчи интеграциялашган таълим дастури олтита курсдан иборат. Ушбу курсларни ўтказишда Европа, Ўзбекистон ва Россиянинг етакчи олимлари ҳам иштирок этмоқда. 50 нафар мутахассис курсларни тугатиб, тестларни муваффақиятли топширганидан кейин Европа намунасидаги сертификатга эга бўлади.

**Абдуғани СОДИҚОВ**

### Ёшлар, бизнес ва экология

«Экосан» халқаро жамғармасида ана шу мавзуда йиғилиш ўтказилди. Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки бошқарувчилар Кенгашининг Тошкентда ўтадиган XII йиллик йиғилиши ва халқаро бизнес форуми олдидан ўтказилган бу йиғилищда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, банк ва тижорат тизимлари вакиллари, «Экосан» ёшлар уюшмаси аъзолари, Олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этдилар. Йиғинни ўтказишдан мақсад, ёшларда тадбиркорликни ривожлантиришга қизиқишни ошириш, табиатни муҳофаза этишга йўналтирилган тадбирларни молиялаштириш, атроф-муҳит ва ривожланиш борасидаги халқаро ҳамкорлик, Орол экологик инқирози оқибатида юзага келган ижтимоий экологик муаммоларни ҳал этишга хорижий сармояларни жалб этиш, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг Ўзбекистонда экология йўналишидаги инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш масалаларини муҳокама этишдан иборат эди.

**Роҳила ИСМАТУЛЛАЕВА**


# «Оби ҳаёт» АИК

## акциядорларининг якуний умумий мажлиси ўтказилганлиги ҳақида МАЪЛУМОТ

**Хабар тартиб рақами — 09**

Умумий мажлис тури — йиллик

Якуний мажлис 2003 йил 14 апрелда «Оби ҳаёт» АИК биносида, қуйидаги манзилда ўтказилди: Тошкент шаҳар, Фёдоров кўчаси, 1а.

Кворум — овозлар акцияларнинг умумий сонига кўра 98,6% ташкил этди.

**Хабар тартиб рақами — 05**

Қимматли қоғоз тури — оддий эгасига, имтиёзли акциялар

Бир акциянинг номинал қиймати — 1400 сўм.

Акциянинг умумий миқдори — 31802 дона

Фойда олинмаганлиги сабабли Низомга кўра дивидендлар фақатгина имтиёзли акцияларга бир акция ҳисобига 420 сўмдан, умуман, 667,8 минг сўм миқдорида берилади.

Дивидендлар тўлови 2003 йил 1 июлгача амалга оширилади.

**Акциядорларнинг якуний умумий мажлиси қарори:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги № ПФ-3202 Фармонига асосан:

**1.1.** «Оби ҳаёт» АИК — ассоциация шаклидаги «Оби ҳаёт» инвестиция компанияси сифатида ташкил этилсин.

**1.2.** Ўзбекистон Республикаси Мулк қўмитасидан, «Оби ҳаёт» АИК Низом фондини ташкил этувчи 25 фоиз давлат улуши, ўрнатилган тартибда сотувга чиқарилиш сўралсин.

**1.3.** «Оби ҳаёт» ассоциацияси таъсисчилари сифатида қайта ташкил этиш комиссияси хулосасида келтириб ўтилган таъсисчилар рўйхати тасдиқлансин.

**1.4.** «Оби ҳаёт» ассоциацияси таъсисчилари умумий мажлиси баённомаси ва унинг Низомини тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтказиш ва ундан келиб чиқадиган масалаларни ҳал этишни қайта ташкил этиш комиссияси ниҳоясига етказсин.

**2.** «Оби ҳаёт» АИК қайта ташкил этиш комиссиясининг 2002 йил амалга оширган ишлари ва молиявий-хўжалик фаолияти ҳақидаги ҳисобот тасдиқлансин.

**3.** 2002 йил якуни ҳақида Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.

**4.** Аудит текширув хулосаси тасдиқлансин.

**5.** 2002 йил учун бухгалтерлик баланси тасдиқлансин.

**6.** 2002 йил учун дивидендлар миқдори ва тўлови тасдиқлансин.

**7.** Қайта ташкил этиш комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.

Умумий мажлис кун тартибига киритилган масалалар бўйича овозларни ҳисоб қилиш натижасида, овозлар қуйидагича тақсимланди:

**Тарафдорлар — 31343 (100%)**
**Қаршилар — йўқ**
**Бетарафлар — йўқ**

● ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ

# Масофавий таълим афзалликлари

Олий таълим тизимидаги ўқитиш усуллари замонавий ахборот воситалари билан бойитилиши натижасида таълим сифати янада ортмоқда. Масалан, масофавий ўқитиш усули ўқитувчилар ва талабалар учун қатор қулайликларга эгалиги туфайли оммалашиб бормоқда. Эндиги вазифа эса Интернет ва мультимедия каби технологик усуллар учун зарур ўқув материаллари, қўлланмалар асосида компьютер дастурлари ишлаб чиқишдир. Масофавий ўқитиш барча соҳада жаҳон таълим марказларининг услубий адабиётлари, энг сўнгги ахборотларни олиш, жамлаб фойдаланиш имкониятларини беради.

Ушбу усул анъанавий таълим шаклларидан фарқ қилиб, у талабаларга турли жойда, турли шароитда таълим олиш, керакли ахборот ва жаҳон фани янгиликларидан ўз пайтида баҳраманд бўлиш имкониятини беради. Ўқитиш жараёнида илмий ахборот ва маълумотлар бўйича марказлашган тармоқ орқали ўзаро ахборот алмашинувини жорий этиш мумкин. Ушбу тизим натижасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малака оширишда бирмунча тежамкорликка эришилади. Масофавий таълим вақтни тежайди. Имконият даражасидан келиб чиқиб, моддий манфаатдорликни оширади. Таълим соҳасида эришилаётган ютуқларнинг жаҳон таълим тизими доирасида тажриба алмашинувини ташкил этиш учун янги-янги имкониятларни очиб беради.

Масофавий таълим тизими мутахассис-ўқитувчиларнинг олдига бир қатор вазифаларни қўймоқда. Чунки ўқув материалларини тўлдириб бориш, ижодий ёндашув ҳамда янгиликлар билан мунтазам танишиш, билим ва қобилиятларни замонавий илм ютуқлари билан мувофиқлаштириб боришни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Янги усул талабанинг ўз устида мустақил ишлашини тақозо этади. Бунда талабанинг олган билими махсус ўқув-услубий нашрлар, тестлар билан текширилиб, тўлдирилиши мумкин.

Таълимдаги бу янги жараён тадбиркорлик билан машғул бўлган шахсларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириб, уларнинг дунёқарашини бойитишга ҳам хизмат қилади. Бу эса олий таълим тизимида йиғилган илмий ютуқлар, кашфиётлар, ишлаб чиқаришга кўмаклашувчи тадқиқотлар ва кузатишлардан ўринли фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

Масофавий таълим бериш усули ёрдамида республикамиз, мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги ва жаҳон миқёсидаги йирик таълим марказлари билан мулоқотда бўлиш, кенг тажриба алмашишни таъминлайди.

**Дилшоджон ОМОНОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси**





**Кулолчилик халқимизнинг энг қадимий ҳунарларидан ҳисобланади. Кулоллар ясаган сопол идишларда акс этган санъат асарлари бунга мисол бўла олади, албатта. Шеробод туманидаги «Кулол» ҳиссадорлик жамиятида бугунги кунда 20 хилдаги кулолчилик буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхона ходимлари яқиндан бошлаб оҳак ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишди. Биргина 2003 йилнинг уч ойи мобайнида 1 миллион 800 минг сўмлик оҳак, 1 миллион 600 минг сўмлик кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилди. Корхона ходимлари яқин келажакда бежирим чинни идишларни ишлаб чиқаришни ҳам мўлжалламоқдалар.**



✧✧✧

**Суратларда:** ишчилар Гулмира Жўраева, София Нуралиева; корхонанинг тайёр маҳсулотлари.

**Абдурасул ПАРДА олган суратлар**

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### Гапнинг тагини гап очар

«Гапни кавласанг, гап чиқар», «Гапдан гап чиқар, чўпдан — хас». Одатда кишига номаълум, сирли бўлган нарсанинг сабабини, асл моҳиятини бирор киши атайлаб ёхуд билмасдан айтиб қўйиган сўз очади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, киши сўраб-суриштириб, гапнинг «тагини кавлаб», ўзига мавҳум бўлиб келган нарсанинг тагига етиб олади. Мазкур мақолларни шундай ҳолларда айтадилар.

### Гул тиконсиз бўлмас

Мажозий маъноси: «Ҳар қандай яхши нарсанинг ҳам бир ёмон томони бўлади, машаққатсиз роҳат йўқ», дейилмоқчи. «Вар.: «Тиконсиз гул бўлмас, оғусиз — бол», «Бол бор ерда — ари бор», «Гул тиконсиз бўлмас, сафо — жафосиз», «Боғистон қумрисиз бўлмас, қизил гул — тиконсиз», «Тиконсиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас», «Гулга боқ — тиконни кўр, ёрга боқ — жафони кўр», «Гулни гул дерму киши, гулнинг тикони бўлмаса, ёрни ёр дерму киши, ёрнинг жафоси бўлмаса», «Гул тилаган хор жафосин чекар, кимки асал еса, ариси чақар» (хор — тикон), «Гулни севган — тиконига ҳам чидайди», «Асални яхши кўрган — арисидан қўрқмас», «Гулчи бир гулни ўстиргунча юз тикон заҳрини тортади», «Жафосиз вафо йўқ», «Жафосини тортган — вафосини топади».

# Олим ва амалиётчилар мунозараси

## давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали йўлларини, услуб ва шаклларини топишга кўмак берди

Наманганда вилоят ҳокимлиги, ЎзХДП вилоят кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Республикамизда 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» сифатида белгиланганида катта маъно-мақсад бор, албатта. Обод маҳалла йилида жойларда ободончилик, қурилиш ишларини йўлга қўйишдангина иборат эмас. Айни чоғда фуқароларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳам кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари худди шу йўналишда давлатнинг назорат функциялари ўрнини жамоатчилик назорати эгаллаши тарафдори. Бу ўз навбатида амалдорларнинг зўравонлигига, коррупцияга муносиб тўсиқ қўйган бўлур эди.

Наманган давлат университети олимлари Бахтиёр Исҳоқов, Орол Эрназаров, Шавкат Жўрабоевларнинг мавзу доирасидаги назарий қарашларига ХДП ташкилотлари, «Маҳалла» ҳамда бошқа нодавлат ташкилотлари вакиллари фаол муносабат билдирдилар.

Анжуман давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали йўллари, услуб ва шаклларини топишга кўмак берди.

**Маҳмуджон ПАРПИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

● ВОҚЕА

# 18-вагоннинг 3-купесида...

«Бухоро — Тошкент» поезди одатдаги ўз йўналиши бўйлаб манзил томон елиб бормоқда. 18-вагон. Ҳамма ўзи билан овора.

Ориф Одилов вагон кузатувчиси бўлиб ишга кирганидан бери йўлда не-не ҳодисаларга дуч келмаган. Лекин ўша куни бўлган воқеа унинг учун (ҳамкасблари учун ҳам) мутлақо кутилмаган воқеа эди.

Ўша куни Ориф Одилов ҳам одатдагидек ўз юмушларини бажариб юрганди. Соат кечки 8 лар чамаси эди. Кимдир ҳовлиқиб келиб, купеда бир аёлнинг тўлғоқ тутаётганлигидан хабардор қилди. Йўловчилар орасида ҳали бундай ҳолатни учратмаганиданми, ҳар қалай бироз шошиб қолди. Самарқанд бекатига ҳали анча бор. Вақт эса тиғиз. Тез орада бу воқеадан бутун вагондагилар хабар топди. Поезд эса шиддат билан олға интилади. Кимдир жаҳл билан: «Ҳомилали экан, нима қиларди йўлга чиқиб?» деса, бошқаси эсон-омон бу дарддан қутулишини худодан сўраб, юзига фотиҳа тортади.

Орифнинг вазифаси, бурчи — йўловчиларга ҳар қандай вазиятда ҳам ёрдам бериши керак!

«Аҳвол чатоқ. Нима қилиш керак?» Шу сўроқ унинг хаёлида чарх уриб айланарди. Кўпни кўрган бир отахон: «Суриштириб кўр-чи, балки йўловчилар орасида дояликдан хабари бор бирор кимса топилар?» деб қолди. Вагон оралаб Ориф дарҳол суриштира кетди. Тақдирни қарангки, ўша куни акушер-гинеколог Мавжуда Файзуллаева ҳам йўлга чиққан экан. Шуни айтсалар керак-да, «дардини берган, шифосини ҳам беради» деб.

Янги меҳмоннинг дунёга келиши учун иложи борича шароит яратилди. Бироздан сўнг вагоннинг 3-купесидан чақалоқ йиғиси эшитилди.

— Турмуш ўртоғим Қаҳрамон Санаев Муборак шаҳрида ҳарбий бўлиб ишлайди. Мен уй бекаси сифатида уларнинг ёнида эдим. Туғилажак фарзандимизни ўз уйимиз — Пахтачида кутиб олиш учун ўша куни йўлга отлангандим, — дейди Наргиза Очилова.



Яқинда «Ўзтемирйўлйўловчитранс» раҳбариятига Санаевлар оиласидан миннатдорчилик мактуби келди. Унда жумладан шундай дейилган:

«Ҳурматли раис, оиламизнинг ташвиши, қувончига айланган яна бир ўғилли бўлдик. Унга вагон кузатувчисининг ҳурмати учун Орифжон деб исм қўйдик. Кичкина Орифжон фақат бизнинггина эмас, сиз темирйўлчиларнинг ҳам фарзандингиз — у поездда туғилди. Ориф Одиловга ўзининг чин инсонийлиги, касбига бўлган меҳри, садоқати учун чин дилдан ташаккур билдирамиз».

**Юнус БЎРОНОВ**

# Консерваторияга туҳфа

**ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Б.Мансуров).** Ўзбекистон давлат консерваториясида бир ҳафта давом этган ҳинд мусиқа чолғу асбоблари кўргазмаси якунланди.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда Ҳиндистон маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир доирасида нафақат консерваторияда, балки пойтахтимиздаги бир неча санъат ўқув юртларида ҳам учрашувлар бўлиб ўтди.

Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шарат Сабхарвал ўн хил ҳинд мусиқа асбобини консерваторияга туҳфа этди.

Тадбир доирасида Деҳли университети профессори Суниира Касливалнинг сетор, Тошкентдаги Ҳиндистон маданият маркази мусиқа ўқитувчиси Устод Илмас Ҳусайн Хоннинг табла мусиқа асбобларидаги концерт дастури намойиш этилди. Ўзбекистоннинг «Сўғдиёна» чолғу асбоблари камер оркестри билан ҳиндистонлик мусиқачилар қўшма концерти ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

● СПОРТ

# Ўзбекистон — Белорусия —1:2



Маълумки, шу йилнинг 2 апрелида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Минскда Белорусия футболчилари билан ўртоқлик учрашувини ўтказганди. 2:2 ҳисобида якунланган мазкур ўйинда тўпларни ҳамюртларимиздан Александр Хвостунов ҳамда Александр Гейнрихлар киритишган.

Кеча эса Тошкентдаги «Пахтакор» марказий ўйингоҳида футболчиларимиз Белорусия миллий терма жамоаси билан иккинчи ўртоқлик учрашувида куч синашди. 2004 йили Хитойда бўладиган Осиё чемпионати саралаш ўйинларига ҳозирлик кўраётган терма жамоамиз мураббийлари бу учрашувга алоҳида эътибор қаратдилар. Бу гал Минскда ўтган баҳсдан фарқли ўлароқ, мутахассислар легионерларимиз билан бир қаторда маҳаллий футболчилар, жумладан, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси аъзоларини ҳам таркибга жалб қилишди. Чунки, халқаро ўйин тажрибаси муҳимлигини англаган мураббийларимиз сано́қли кунлардан сўнг, 3 майда бўладиган Ўзбекистон — Эрон олимпия терма жамоалари учрашувини ҳам назардан қочиришмади.

Учрашув қизиқарли ва ҳужумкор руҳда ўтди. Европа — 2004 саралаш баҳсларида иштирок этаётган белорус футболчилари Тошкентга шунчаки ташриф буюрмаганликларини исботлашди. Ўйиннинг 21-дақиқасида меҳмонлар ҳужумчиси Владимир Шунейко ҳисобни очган бўлса, 42-дақиқада Владимир Шишелов вазиятни тенглаштирди. Иккинчи бўлимда Виталий Кутузов томонидан киритилган тўп Белорусия терма жамоасига ғалаба келтирди — 1:2.

**Эркин ХОЛБОБО**

✧✧✧

**Абдувосит ҲАЙДАРОВ олган сурат**

# Андижонда «Фьючерс» турнири

Шу кунларда «Андижон» теннис марказида анъанавий «Фьючерс» халқаро турнири қизғин давом этмоқда. Унда Испания, Чехия, Словакия, Исроил, Россия, Белорусия, Германия, Япония, Ўзбекистон сингари ўн етти давлат ракеткачилари ғолиблик учун кураш олиб боришяпти.

— Бу йилги мусобақа илк маротаба Ўзбекистон теннис федерацияси томонидан ўтказиляпти, — дейди мусобақалар супервайзери англиялик Кард Болдвин. — Турнирга ҳар қачонгидан-да пухта ҳозирлик кўрилибди. Бу Ўзбекистонда халқаро мусобақалар ўтказиш борасида катта тажриба тўпланганлигини кўрсатади. Ишонаманки, «Фьючерс» кучлиларни аниқлаш билан бирга кўплаб иқтидорли ва маҳоратли теннисчиларни ҳам кашф этади.

Ушбу нуфузли турнирда Мурод Иноятов, Эдуард Хан, Сарвар Икромов, Дмитрий Мазур, Андрей Хлебников, Денис Исаев сингари теннисчилар юртимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ**

● ИНТЕР-СПОРТ

# Пора олганликда айбланмоқда

Денвердаги округ апелляция суди Солт-Лейк-Ситида ўтказилган олимпия ўйинлари ташкилий қўмитаси президенти ва вице-президентига нисбатан қўйилган айбларини ўзгаришсиз қолдирганини маълум қилди. Том Уэлш ва Дэйв Жонсон иши округ аппеляция судига берилган. Гап шундаки, «Олимпиада — 2002» ўйинларини ўтказишга ҳуқуқ олиш вақтида пора бериш ҳолатлари аниқланган ва тергов ишлари бошлаб юборилган. Уэлш лавозимидан четлатилган бўлса, Жонсон айбни бўйнига олмай, аввалроқ мансабини тарк этган эди. Ҳар иккала мансабдор оз эмас-кўп эмас бир миллион доллар ҳисобида пора олганликда айбланмоқда.

Умуман, бу олимпия ўйинларини ўтказиш тарихидаги энг йирик жанжал ҳисобланиб, бир йўла ўн нафар мансабдорнинг истеъфога чиқишига сабабчи бўлди. Уларнинг орасида албатта ўз аризасига мувофиқ ишдан кетган Халқаро Олимпия Қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч ҳам бўлган. Россия Миллий Олимпия қўмитасининг собиқ президенти Виталий Смирнов эса узоқ йиллар шубҳа остида юрди. Дастлабки маълумотларга қараганда, Уэлш билан Жонсон беш йилдан кам бўлмаган муддатда озодликдан маҳрум этилиб, 250 000 доллар ҳисобида жарима тўлашлари кўзда тутилмоқда.


# «SHIFOKOR — NON» ОАЖ ХАБАРИ

**Хабар тартиб рақами — 09**

2003 йил 29 мартда акциядорларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлис ўтказилган жой — Тошкент шаҳри, Г.Каримов кўчаси, 11-уй. Умумий йиғилиш кворуми — 34280 овоз ёки 66%.

**Овозга қўйилган масалалар ва унинг натижалари:**

1. «SHIFOKOR — NON» ОАЖнинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи; тарафдорлар — 34280 овоз. Қабул қилинди: бошқарув раисининг ҳисоботи тасдиқлансин ва қониқарли, деб ҳисоблансин.
2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш; тарафдорлар — 34280 овоз, қаршилар, бетарафлар — йўқ. Қабул қилинган қарор: Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.
3. Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш ва 2003 йилга аудиторни белгилаш; тарафдорлар — 34280 овоз. Қабул қилинган қарор: Аудитор хулосаси тасдиқлансин ва 2003 йилга «DUNE» аудит компанияси белгилансин.
4. 2003 йилга Бизнес-режани тасдиқлаш: тарафдорлар — 34280 овоз. Қабул қилинган қарор: 2003 йилга Бизнес-режа тасдиқлансин.
5. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик ҳисоботини тасдиқлаш; тарафдорлар — 34280 овоз. Қабул қилинган қарор: 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи тасдиқлансин.
6. Жамиятнинг 2002 йилдаги фойдасини тақсимлаш ва йиллик дивиденд миқдорини белгилаш; тарафдорлар — 34280 овоз. Қабул қилинган қарор: жамиятнинг 2002 йилдаги фойдаси қуйидагича тақсимлансин: дивидендга — 8000,0 минг сўм, заҳира фондига — 880,0 минг сўм ва қолган 8634,0 минг сўм жамиятни ривожлантиришга.
7. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида; тарафдорлар — 34280 овоз. Қабул қилинган қарор: жамият Кузатув Кенгашига: Т.Шокиров ва С.Абдуваҳобов киритилсин, Б.Шомелиев ва А.Мусаев эса чиқарилсин.
8. Жамият бошқаруви раисини тасдиқлаш ҳақида; тарафдорлар — 34280 овоз. Қабул қилинган қарор: жамият бошқаруви раиси М.Бекбоев тасдиқлансин.

# «SHIFOKOR — NON» ОАЖ ХАБАРИ

**Хабар тартиб рақами — 05**

Акциядорлар умумий йиғилиши 2003 йил 29 мартда ҳар бир оддий акцияга 153 сўм 90 тийин миқдорида дивиденд тўлашга қарор қилди.

Жами оддий акциялар сони — 51980 дона. Дивидендлар тўлаш муддати 2003 йил 1 апрелдан 30 майгача.

**10-сонли хабар**

Кузатув Кенгаши — ўзгартиришлар киритилган эмитент Бошқарув органи.

Т.Шокиров — сайланди; Б.Шомелиев — чиқарилди, С.Абдуваҳобов — сайланди; А.Мусаев — чиқарилди.

Акциядорлар умумий йиғилиши 2003 йил 29 мартда ушбу ўзгартиришларни қабул қилди.

*«SHIFOKOR — NON» ОАЖнинг аффилланган шахслар рўйхати*

| Акциядор номи ёки Ф.И.Ш. | Акциялар сони | Низом жамғармасида фоиз (%) |
|---|---|---|
| 1. Давлат мулки қўмитаси | 12995 | 25 |
| 2. Ривожлантириш инвестиция фонди | 12995 | 25 |
| 3. «Ўздонмаҳсулот» ДАК | 12475 | 24 |
| 1. Т.Шокиров | 87 | 0,11 |
| 2. С.Абдуваҳобов | 60 | 0,11 |
| 3. С.Раҳматуллаев | 30 | 0,05 |
| 1. М.Бекбоев | 101 | 0,19 |
| 2. С.Умарова | 52 | 0,10 |
| 3. Т.Турсунов | 41 | 0,07 |



BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 422
11547 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA